O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 30 октябрь, сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 221 (2783)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш — доимий эътиборда

***Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда жорий йил январ-сентябр ойларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг қишлоқ аҳоли пунктларини газ ва ичимлик суви тармоқларига улаш юзасидан топшириқларни бажариши борасидаги иш якунлари таҳлил этилди, бу соҳада 2001 йилнинг тўртинчи чорагида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Таъкидландики, 2001 йилнинг ўтган даврида қишлоқларда 1325 километр ичимлик суви ва 2204,7 километр газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди. 473 та қишлоқ аҳоли пунктига биринчи бор ичимлик суви водопровод орқали келтирилди, 372 та қишлоққа газ етказилди. Ўтган йилга нисбатан қишлоқларни газ тармоқларига улаш суръати 1,6 марта, ичимлик суви тармоқларига улаш эса 3,5 марта ошди. Бу мақсадда давлат бюджетининг ўзидан 9 миллиард сўм ажратилди. Умуман, Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш учун 13,26 миллиард сўм сарфланди.

Бу муҳим ижтимоий дастурни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва яна бир қанча вилоят ҳамда туман ҳокимликлари ижобий натижаларни қўлга киритди.

Комиссия ишида Амударё қуйи оқимида сув танқислиги оқибатларини бартараф этиш ва аҳолини ичимлик суви билан мунтазам таъминлашни ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур минтақада жорий йилда 1300 та қўл насоси ўрнатилди, қишлоқ жойларда 32 та янги қудуқ ковланди ва 40 та қудуқ қайта тикланди, 225 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди. Қорақалпоғистоннинг сув билан кам таъминланган шимолий туманларида 47 та сувни чучуклантириш станцияси қайта тикланди. Республика вилоятлари томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида минтақа сув таъминоти ташкилотларига 19 та сув ташиш автомашинаси, 40 та цистерна етказиб берилди. Энг кўп талафот кўрган ҳудудлар учун сувни зарарсизлантириш, ташиш ва сақлаш ускуналари ва техникаси харид қилинмоқда. Махсус ўрнатилган қувур орқали Туямўйин мажмуининг Капарасс сув омборидан Туямўйин-Чимбой-Тахтакўпир сув тармоғига тоза ичимлик суви етказиб берилди. Қурилаётган чора-тадбирлар туфайли илгари тоза ичимлик сувига эга бўлмаган 220 та қишлоқ аҳоли пунктига ичимлик суви келтирилди.

Республика комиссияси мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Қайд этилдики, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида сув тармоқлари қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш суръатлари республиканинг бошқа вилоятларига қараганда ортда қолмоқда. Айниқса, Вобкент, Конимех, Иштихон, Қўшработ, Пайариқ, Хива, Хазорасп туманларида бу борадаги ишлар етарли эмас. Наманган (Норин, Учқўрғон ва Чортоқ туманлари), Самарқанд (Булунғур, Ургут ва Челак туманлари), Фарғона (Боғдод ва Бувайда туманлари) вилоятларида газ тармоқлари бунёд этиш ва қишлоқларни газ тармоқларига улаш ишлари оқсамоқда. Шу муносабат билан мазкур вилоятлар раҳбарларига кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмаслиги ва 2001 йил учун белгиланган топшириқларни тўлиқ бажариш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси раҳбарларига режалаштирилган газ тармоқлари қурилишини жадаллаштириш ва уларга газ ажратувчи газ тармоқларини улаш учун совуқ тушгунча қурилиш ишларини якунлаш вазифаси топширилди.

Комиссия томонидан ичимлик суви ва газ тармоқларини фойдаланишга топшириш, қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик суви ва табиий газ етказиб бериш бўйича жорий йил топшириқларини тўлиқ бажаришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ва тасдиқланди.

**(ЎзА)**



*Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланган йилда биргина Қашқадарё вилоятининг Касби, Қарши, Косон, Усмон Юсупов туманларида, Муборак ва Қарши шаҳарларида касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. Бу иншоотлар асосан «14-деҳқонқурилиш» бошқармаси бунёдкорлари томонидан барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.*

*Шу билан бирга, мазкур бошқарма қурувчилари бир неча йилдан буён вилоятда мактаб, лицей ва саломатлик марказларини қуриш ишларида фаол қатнашиб келмоқдалар.*

**СУРАТДА: бошқарманинг илғор қурувчиси Азамат Жавлиев.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «Сарбонтекс»нинг истиқболи баланд

Гулистонда яна бир корхона — «Сарбонтекс» ўз фаолиятини бошлади.Саноатнинг янги соҳаси - тиббиёт эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ушбу замонавий корхона Ўзбекистон ва Испания ҳамкорлигининг мевасидир. Эътироф этиш керакки, бугунги кунга қадар ушбу маҳсулотлар хорижий валюта эвазига четдан келтириларди. Корхонанинг ишга туширилиши эса, ортиқча сарф-харажатларга чек қўядиган бўлди.

Республикамиз тиббий муассасалари учун боғлаш воситалари ҳамда жарроҳлик дока салфеткалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг очилиши билан вилоятда 350 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди. Шунингдек, Сирдарё вилояти экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Сарбонтекс» корхонаси Испаниянинг «Banco Santander Central Hispano S.A.» томонидан ажратилган кредит ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концернига қарашли «Сарбонтекс» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш савдо-тижорат жамиятининг 11 миллион 340 минг еврога тенг маблағлари ҳисобига барпо этилди. Хориждан замонавий ускуналар келтириш учун эса 7 млн. евро сарфланди.

«Сарбонтекс» корхонаси «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни тизимидаги энг йирик корхона бўлиб, пахтани қайта ишлаш бўйича биринчи лойиҳа ҳисобланади. Корхона йилига 31,7 миллион дона бинт, 86 миллиондан ортиқ жарроҳлик дока салфеткалари, шунингдек 459 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборли жиҳати шундаки, ишлаб чиқариладиган тиббий боғлаш воситаларининг 80 фоизи ва калава ипнинг 30 фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. «Сарбонтекс»нинг илк мижози ҳам тайёр. У Испаниянинг «Намедиз Арагон» фирмасидир. Корхона тўла қувват билан ишлагач ишчи ўринлари сони янада ортади. Келгусида бундай корхоналар Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ҳам қурилиши режалаштирилган.

**Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Жанубий ҳудудларда*

***Жарқўрғон туманида қурилган дон маҳсулотларини қайта ишлайдиган Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасига «Алпомиш» деб ном қўйилди. Хорижлик шерикларимизга ҳам бу ғоят маъқул тушди. Ахир Ҳакимбек — Алпомишни улар ҳам азалдан «танир» эканлар-да.***

***«Алпомиш» Ховдак қум-адирлигининг бир чеккасида савлат тўкиб турган замонавий корхона. Таъсисчилари — вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳиссадорлик жамияти билан Туркиянинг «Туркистон» импорт-экспорт тижорат компанияси. Ҳозирча жаҳонда энг мукаммал деб эътироф қилинган технология билан жиҳозланган. Кунига 150 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга.***

## Бунёдкорлар

Корхонанинг раҳбарларидан бири Холиёр Хўжанов маълумоти олий бўлгани билан илгари дон тайёрлаш шохобчасида чопонини елкасидан туширмай омборчилик қиларди. Бугун унинг қадам олишлари — дадил. Тили — бийрон. Хорижлик ҳамкасбларнинг ҳузурида шошиб қолмайин, деб ўз устида ишлади. Технологияларни ўрганди. Тил ўрганди. Қўшма корхона деган гапнинг ўзи унинг учун катта бир дорилфунун бўлди. Холиёр ҳозир «Туркистон» компанияси раҳбарлари — Яшар Чол, Мехмет Чол жаноблари билан туркча гаплаша олади. Компаниянинг туб маскани Кўнё шаҳри. Кўнё биз ўзбеклар учун азиз шаҳар. Бу шаҳарда буюк бобокалонларимиздан бири Жалолиддин Румий ҳазратлари узоқ йил яшаб ижод қилганлар. Румийнинг хотири сабаб бўлибми, шериклар ўртасида қуюқ дўстона муносабатлар шаклланган.

Туркия тарафдан корхонанинг ижрочи раҳбари — Мехмет Чол. Ишлаб чиқаришда содир бўлиши мумкин бўлган муаммони у бир ҳафта олдин сезади, ишга шунчалик даражада берилган меҳнаткаш йигит. У корхонадаги шерикларнинг ҳаммасини «дўст», «қардош» деб атайди. Аслидаям шундай: Ҳусан, Чори, Асқар, Ғофир, Димитрий — ҳамма-ҳамма билан иноқлашиб кетган.

Бош муҳандис Ҳусан Нурматов газета ўқишга ўч. Бир гал у «Известия» газетасида босилган бир хабарни топиб келди. Газета ёзишича, АҚШнинг шу йил 7 октябрь куни халқаро терроризмга қарши Афғонистонда бошланган амалий ҳаракатлари учинчи жаҳон урушининг бошланиши эмиш. Россиянинг ТВ-6 канали ҳам ёлғон ахборотлар билан ўйнаша бошлаганмиш. Оддий ишчи Чори Жўраев бу гапларни тўқиб чиқарганларни ичи қора одамлар деб қишлоқчасига дашном берган бўлди. Мехмет Чол бўлса елка қисди. Бир одамларга, бир осмонга қаради. Сизнинг элингизга келиб, ҳатто, икки-уч йилдан буён ов милтиғининг отилганини кўрган эмасман. Чор атроф тинч — осойишта. Шов-шув ҳам, ваҳимаям йўқ. Ҳамиша шундай бўлиб қолажак, деди.

— Ишларимиз ўзимиз кутган маромда давом этаяпти, — дейди Холиёр Хўжанов. — Хорижлик шерикларимиз билан корхонада қўшимча ишлаб чиқариш цехларини қуришни маслаҳатлашаётирмиз. Одамларимиз якдил. Улар давлатимизнинг халқаро терроризмга қарши сиёсатини қўллаб қувватлайдилар. Биз тинчлик тарафдоримиз. Биз — тинчликнинг, дунёдаги барча халқлар биродарлигининг аскаримиз. Дўстларимиз билан ҳамкорликларимиз биродарлигимиз ришталарини тағин ҳам мустаҳкамлайди. Шундай. Алпомишнинг нияти, аҳди ҳамиша дўстлик, аҳиллик, тинчлик, садоқат бўлиб келган...

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АКСИЛТЕРРОР: ЭНГ СЎНГГИ ДАРАКЛАР

**● Куни кеча Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд АҚШнинг уч ҳафта ичида Афғонистондаги террор ўчоқларига қарши олиб борган ҳарбий амалиётлари сезиларли натижа берганлигини таъкидлади. Ўз навбатида Шимолий альянс ташқи ишлар вазири доктор Абдулло АҚШнинг афғон юртидаги террорчиларга қарши курашда янада фаолроқ бўлишга чақирди. Кеча тунда тарқатилган хабарларга кўра, альянс кучлари Мозори-Шарифни қўлга киритиш учун сўнгги ҳарбий тайёргарликдан ўтишди.**

**● Би-би-си хабарларига қараганда, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари сўнгги кунларда Қандаҳор, Ҳирот, Жалолобод ва Мозори-Шарифдаги толиблар истеҳкомларини нишонга олган. Ва, бу ҳаво зарбалари Шимолий альянс кучларининг олқишларига сабаб бўлган. Кеча Рейтер ахборот агентлиги Пентагон мулозимлари АҚШ ҳарбийларининг қуруқликдаги амалиётларини бошлаш мақсадида Афғонистон шимолида ҳарбий қўналға ташкил этиш режасида турганлиги ҳақида хабар тарқатди. Маълум бўлишича, ушбу қўналғага АҚШнинг 600 нафарлик пиёда қўшинлари гуруҳи киритилади.**



**● Associdted press агентлигининг хабар беришича, кеча Япония парламентининг юқори палатаси мамлакат ҳарбийларининг Афғонистонда олиб борилаётган аксилтеррор амалиётларига қатнашиш имкониятини берадиган қонунни якдиллик билан қабул қилган. Мамлакат Бош вазири Д.Коидзуми ушбу ҳужжатни юқори баҳолаб, бу Япониянинг халқаро террорчи Усамо бин Лодинга бўлган аниқ позициясини кўрсатди, дея таъкидлади.**

**● Рейтер ахборот агентлиги хабарига кўра, айни кунларда Италияда «Аль-қоида» ташкилоти ҳисоб рақамлари изланмоқда. Мамлакат молия вазири Жулило Тремонтининг билдиришича, Италия бўйлаб кенг кўламда бошланган айни вазифа 600 нафар кишига, яъни солиқ, аудитор ва полиция ходимларига юклатилган.**

**● Сўнгги маълумотларда айтилишича, АҚШда 14 нафар киши куйдирги касаллигига чалиниб, шунинг 3 нафари вафот этган. 3 нафар киши эса ниҳоятда оғир аҳволда. Сўнгги ҳафтада 68 тонна хат мамлакатда Огайо штатига текшириш учун жўнатилган. Оқ уй қўриқчиларининг билдиришича, ҳозирда АҚШ президенти ва унинг оиласига шахсан юборилаётган хатлар қаттиқ назорат остига олинган.**

**● Интерфакс ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳозир АҚШ Олий судининг барча ходимлари куйдирги касаллигига қарши дори-дармонлар истеъмол қилишмоқда. Мамлакат Олий суди биноси вақтинчалик ёпилган.**

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат назорат органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш натижалари кўриб чиқилди.***

Йиғилишда ўтказилаётган текширишлар самарадорлигини тартибга солиш ва ошириш, назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик борасида Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида илгари сурган масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов, "Ўздавстандарт" маркази бош директори А.Мақсудов ва айрим республика банклари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида қўлланилаётган чора-тадбирлар (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 39 фоизга камайтириш имконини берди. Шунингдек, назорат органлари фаолиятининг самарадорлиги ошди, улар томонидан ўтказилган текширишларнинг учдан икки қисми текширилган хўжалик юритувчи субъектлар ишларидаги камчилик ва тартиббузарликларни очиб берди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Шарҳловчи нигоҳи*

## ҚОНУН амал қилган жойда адолат устувор бўлади

Жиноятчиликнинг олдини олиш йўллари кўп. Назаримизда, шулардан энг халқчили жазонинг муқаррарлигидир. Агарки фуқаро қилмиш содир этгани учун жазоланишини билар экан, у ёмонликдан ўзини тияди. Жазодан қутилиб бўлмаслик қонунга ҳурматни уйғотади ҳам. Тажрибадан маълумки, жиноят қонунчилигида белгиланганидек жазо турлари ҳар хил. Унинг энг оғирини қўллашга ҳамишаям зарурат сезилмайди. Айримларга вақтинчалик сақлаш хонасида ушлаб турилган маълум муддат бир умрга етади. У ўша ердаёқ хулоса чиқариб бўлади. Жазонинг муқаррарлигини ҳис этади. Номақбул йўлга энди бошқа кирмайди.

Хуллас, фуқароларни қонунбузарлик қилишдан, жиноят содир этишдан жиноятнинг муқаррарлиги ҳушёр торттириб туради. Адолатнинг бу мезони жамиятда фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини ўстиради. Бу долзарб масала Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Юртбошимиз томонидан кўтарилди. Таъкидланганидек, шўронинг даққиюнусдан қолган жазолаш чораси иллатларидан мутлоқ воз кечиш вақти келди. Миллатни миллат, давлатни давлат қиладиган Конституциясига эришган халққа эндиликда жиноят тўғрисидаги қонунларини ҳам инсонпарварлик, адолатлилик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мос ҳолда қуришга ҳаққи борлиги қайта-қайта уқтирилди. Шу бағрикенгликнинг натижаси ўлароқ, Олий Мажлис муҳокамасига «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси киритилди ва Парламент томонидан қабул қилинди. Эски жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган кўпгина моддалар ўзгартирилди ёки қўшимчалар киритилди. Шулардан бири қўшимча жиноий жазо сифатида қўлланиб келинган мол-мулкни мусодара этишнинг олиб ташланганидир.

Инсон фароғатчиликка интилиб яшайди. Бунинг учун меҳнат қилади. Югуради, елади. Хизмати эвазига машина сотиб олади, уйли-жойли бўлади. Дейлик, у билиб-билмай жиноят содир этиб қўйди. Тамом. У умр бўйи топганидан суднинг ҳукмига кўра маҳрум этиларди. Демак, уйдаги болачақа, оила машинасиз, «стенка»сиз, телевизорсиз, гиламсиз яшашга маҳкум эди. Кўряпсизми, бир кишини деб бутун бошли оила жабр кўрарди.

Бир воқеани биламан. Касбдошларимиздан бирининг ўғли безорилик қилгани учун жиноий жазога тортилди. Унга нисбатан суд мол-мулкни мусодара қилиш жазосини ҳам белгилаган. Эндигина 20 ёшга тўлган йигитнинг қандай мол-мулки бўлиши мумкин? Аммо суд ижрочилари ҳукмни ижро этишга мажбур. Ана шунда бечора онанинг фарёд чекканини билсангиз эди. Эндиликда бу жазо олиб ташланди. Аммо жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк бундан мустасно. Аслида шу ҳолнинг ўзи фуқароларни ҳалолликка, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмасликка олиб келади. Демак, инсонни тарбиявий томонга етаклайди. Ахир жиноят предмети бўлган, жиноий йўл билан қурилган данғиллама уйлар мусодара қилиниши табиий ҳол-да. Ана шунинг ўзи пешона тери эвазига топилган хусусий мулкни қонун йўли билан ҳимоя қилишга қаратилгани эмасми?

Бундан ташқари жиноий ишлар кўрилишида урф-одатларимизга, маънавиятимизга жуда ярашиб тушадиган яна бир янгилик киритилди. Бу ўзаро ярашувдир. Қадимда қўлланилган бу усул шўро даврида қарийб йўқолиб кетганди. Арзимас ишларгаям дарров милиция аралашар, иш судлашиш билан ниҳояланарди. Жиноят-процессуал кодексимизда бу ҳолнинг биринчи марта мустаҳкамлаб қўйилиши ўзликка қайтиш бўлди, десак адашмаймиз.

Тасаввур қилинг, «дом»да яшовчи икки қўшни дейлик сув оқизиб қўйгани учун талашиб, қизишиб кетди. Бир-бирини жаҳл устида тарсакилади. Ҳали айтилганидек ишга табиийки милиция аралашарди. Кейин судлашув. Унгача қўшниларни ўртага кимдир тушиб яраштиришган. Жабрланувчи даъвосидан воз кечди. Ҳатто у судга бир неча бор буни айтган ҳам. Аммо гўё давлат даъводан кечмади қабилида иш кўрилиб, жавобгарга барибир жазо тайинланарди. Қарабсизки, қўшнилар ўртасида яна низо пайдо бўлади. Инсонмизда, ҳар хил гап-сўзлар тарқалади. Фалончи судланибди, дейилади. Тайинли даъво йўғу бировнинг гарданига судланган деган тавқи лаънат қолади-да.

Ўйлаймизки, ҳозирги жиноят қонунчилигига киритилган кечиримлилик, жабрдийданинг гина-кудратни йиғиштириб қўйиб ярашиб кетиши кўпгина фисқу фасодларга ҳам барҳам беради. Умуман олганда, жиноят қонунчилигидаги бу каби либераллаштиришлар — халқчил ўзгаришлар жиноятчиликнинг олдини олишда, фуқароларнинг ҳуқуқий маънавияти ўсишида кўп хизмат қилади.

**Қурбон ЭШМАТОВ.**

## Жазодан мақсад — қайта тарбиялаш

### ёхуд вояга етмаганлар ҳақида ҳамхонамга айтганларим

Бошқа институтда ўқийдиган ҳамхонам бир куни: «Сен бўлғуси юристсан, айт-чи, Кодексларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар жиноятчилик ҳолатига қандай таъсир қиларкин», деб қолди. Мен унинг нима демоқчи эканини табиийки дарров фаҳмлаб олдим. Хавотир олма, дедим. Кейин билганимча тушунтириб бердим. Биз, дедим, биринчидан, олдимизга ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Биз қурадиган жамият одил ва инсонпарвар жамият бўлади. Шунинг учун унинг олдига адолат сўзини ҳам қўшиб айтамиз. Адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, қонунларимиз ҳам адолатли бўлиши керак-да. Лекин бу асло енгиллик, дегани эмас. Чунки жазо — муқаррар. Жазо муқаррар эканини англаган одам жиноятдан онгли равишда чекинади: унга пешвоз чиқмайди. Ҳуқуқий маданият ошгани сайин, табиийки жиноят ҳам пасайиб бораверади. Жиноий жазоларни либераллаштириш билан биз асл мақсадимиз томон катта қадам қўйдик. Буни маълум маънода жасорат деб ҳам аташ лозим.

Мен сенга кўп гапирмай битта мисол келтира қолай. Дейлик, 15 ёшли бола билиб-билмасдан жиноят қилиб қўйди. Табиийки, у қамалади. Хўш, қамашдан мақсад нима? Уни жиноят қилишидан қайтариш эмасми? Лекин у қамоқхонадан қандай ҳолатда чиқаяпти? У ўша ерда нимани ўрганаяпти? Катта масала эмасми бу. Кодексларга қўшимча ва ўзгартишлардан иборат бўлган янги қонун айни шу масалага ҳам эътибор қаратади. Эндиликда вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ҳолатлар ўзгартирилди. Энди асосий мақсад — вояга етмаганларни қамаш эмас, балки қайта тарбиялашдан иборат бўлади. Жазо муддатини ўтайдиган жойлар вояга етмаганлар учун тарбия масканига айланади. Мақсад йўлдан чиққан бўлса, уларни тўғри йўлга солиш, қилган хатосини англатиш, тушунтиришдир.

Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг орқасида жуда катта маънавий ҳодиса ётибди, дедим ҳамхонамга. Фақат буни англаш керак. Мен унга яна жуда кўп нарсаларни гапирмоқчи эдим. Лекин у саволимга қониқарли жавоб олганга ўхшаш ишора қилди. Ва мен ҳам шундан кейин гапимни мухтасар қилдим ҳамда буни газетхонларга илиндим.

**Шерали САНАЕВ, Тошкент давлат юридик институтининг 4-курс талабаси.**

**Боқий қадрият**

# Шоир Зорийни биласизми?

Миллий адабиётимиз тарихидаги шоирлар ҳақида сўз юритилганда, ҳар бир ўзбек ёки бошқа миллат вакили ҳам биринчи бўлиб Алишер Навоий номини тилга олиши шубҳасиз. Навоий анъаналаридан ижодий таъсирланган XIX аср ва XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитига дахлдор ижодкорлар қаторида Нисбат, Муҳаййир, Найирий, Рожий, Мавлавий, Ёрий, Қорий, Зорий каби ўнлаб шоирлар бор.

Мазкур адабий давранинг кўзга кўринган вакилларидан бири Усмонхўжа эшон Искандархўжа ўғли Зорийдир. У ўз даври маданий ҳаётида фаол иштирок этиб ишқий, ахлоқий, диний-тасаввуфий ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид шеърлар яратди.

Усмонхўжа Зорий (1834-1910) Қўқон шаҳрининг Саримозор даҳаси Рустамбек ҳалакижон маҳалласида маърифатсевар косиб оиласида туғилади. Унинг отаси Искандархўжа ёғочсоз уста бўлиб, масжид, мадраса,меҳмонхоналарга дарвоза ясайдиган дурадгор эди. Қўқондаги Соҳибзода ҳазрат мадрасасининг дарвозаси шоирнинг отаси томонидан ишланган. Дарвозадаги (ҳозир ҳам сақланган) «Искандар нажжор» деб ўйиб ёзилган хат шундан далолат беради. Усмонхўжа ўз маҳалласида савод чиқаргач, Норбўтахон мадрасасида таҳсил олади ва шу ерда диний, дунёвий илмларни ўзлаштириб, ўзбек ва форс-тожик адабиётини чуқур ўрганади. У шахсий ҳаётда камтарона умр кечиради, отасининг касбини олиб, сандиқсозлик билан шуғулланади.

Зорий асарлари орасида ҳасби ҳол — ўз ҳолидан сўзловчи мисралар кўпчиликни ташкил қилади. Булар мазмунидан шоир ҳаётига оид муҳим нуқталарни, шу билан бирга ижтимоий, табиий ҳодисалар ҳақида маълумотлар билиш мумкин.

XIX аср II ярмида ўлкада рус чоризми ҳукмрон эди. Чоризм истибдоди маҳаллий аҳолини ана шундай мусофирга айлантирган эди. Шу боис Зорий шеърларида мустабид тузумдан қутулиб, Каъбага бориш истаги кўпроқ намоён бўлади. Истибдод туфайли ўлкада рўй берган ўзгаришлар маънавий ҳаётга ҳам таъсир қилган. Шоирни жамиятдаги ахлоқий мезоннинг издан чиққани, одамлар феълининг тубанлашуви ташвишга солади. У одамларни кўз очиб атрофга ҳушёр назар ташлашга, ўзлигидан огоҳ бўлишга даъват қилади.

Тафаккур кишиларида кўнгил кўзи очиқ бўлади. Шунинг учун бундай кишилар жамиятдаги, одамлардаги оғриқ нуқталарни ҳис қиладилар ва шу дард билан яшайдилар. Зорий ижоди марказида ҳам ана шундай дард чеккан инсон қалби туради. Баркамол инсон ғояси, маънавий мукаммал жамият орзуси, инсонийлик моҳияти каби масалалар қаламга олинади. Комил инсон, дунёнинг яралиши, азал ва абад масаласи, ҳақиқий ишқ мавзуси шоирнинг диний-тасаввуфий шеърларида марказий ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, шоир Зорий XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларидаги истеъдодли ижодкорлардан бўлиб, у ўз даврида қаламга олган мавзулар, ижтимоий муаммолар бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир. Унинг ахлоқий ва ижтимоий мазмундаги асарлари у яшаган давр ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ходими.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 30 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 217,41 | 10 Испания песети | 23,31 | 1 Финляндия маркаси | 65,23 |
| 1 Австрия шиллинги | 28,18 | 100 Италия лираси | 20,03 | 1 Франция франки | 59,12 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 623,66 | 1 Канада доллари | 275,30 | 1 Швейцария франки | 263,04 |
| 10 Бельгия франки | 96,14 | 1 Хитой юани | 52;40 | 1 ЕВРО | 387,81 |
| 1 Голландия гульдени | 175,98 | 10 Люксембург франки | 96,14 | 10 Жанубий Корея вони | 3,36 |
| 10 Греция драхмаси | 11,39 | 1 Малайзия ринггити | 114,15 | 10 Япония иенаси | 35,40 |
| 1 Дания кронаси | 52,10 | 1 Германия маркаси | 198,29 | 1 Россия рубли | 14,64 |
| 1 БАА дирхами | 118,09 | 1 Польша злотийси | 106,04 | 1 Украина гривнаси | 81,91 |
| 1 АҚШ доллари | 433,70 | 1 СДР | 550,48 | | |
| 1 Миср фунти | 101,99 | 1000 Туркия лираси | 0,27 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*






## Кутубхона — нурхона



Учкўприкда очилган кутубхонанинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллик тантаналари арафасида туман китобхонлари ҳокимлик ташаббуси билан ҳашар тариқасида бунёд этилган шундай ажойиб совғага эга бўлдилар. Ҳазиний номли марказий кутубхона бугунги кунда, айниқса, ёшларнинг севимли масканига айланиб бормоқда.

**Суратда: кутубхонанинг хизмат кўрсатиш бўлими ходими Ҳадияхон ЮСУПОВА.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**ҲИКМАТ**

*Яхшилик қилмоқлик улуғ фазилат, Яхшининг қадрига етмаслик — иллат.*

# «Ўзбек халқ ўйинлари»




Фалсафа фанлари доктори, профессор Усмон Қорабоевнинг ушбу китоби «Санъат» нашриётида босмадан чиқди.

Уни олиб ўқисангиз, ўзбек халқи ҳаётида минглаб ўйин турлари мавжуд бўлганлигидан дарак топасиз. Дарҳақиқат, табиий-мавсумий, ҳудудий ва турли жойларга мос, турли воситали, воқеабанд, ҳаракатли ўйинлар аждодларимиз маънавий ва жисмоний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Кўп асрлар давомида халқ ўйинлари авлодларни тарбиялашда «мактаб» вазифасини ўтаган.

Ҳар бир тарихий давр ўз ўйинларини яратади ва бу ўйинлар ўз даври кишисини тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ўйинларнинг шакли ва мазмуни, аввало, табиий шароитдан, меҳнат фаолияти, кишилар орасидаги ўзаро муносабат, ижтимоий ахлоқ, сиёсий вазият кабилардан келиб чиққан. Чунончи ибтидоий даврдаги мева териш бўйича мусобақа, тарбиявий ўйин-машғулотлар, сардорлар олишувлари, пантомим ўйин-рақслар бугунга келиб ўз ўрнини игротека, денди, компьютер ўйинларига бўшатиб берди. Ҳатто электрон соат циферблатида ҳам ўйинлар пайдо бўлмоқда. Шунга қарамасдан, асрлар давомида синовдан ўтган халқ ўйинларини унутиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли миллий қадриятлар — миллий онг, тарихий хотира, азалий анъана, диний эътиқод қаторида миллий ўйинлар ҳам тиклана бошланди. Бу борада республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг жонбозлиги туфайли бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йили мазкур қўмита қошида «Республика миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари маркази» тузилди. Маълумки, шу даврагача халқ ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрланмас эди. Бу ҳолга чек қўйиш мақсадида ўтган йили республика жисмоний тарбия институтида «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари» кафедраси очилди. Институт ўқув режасига халқ ўйинлари ва унинг турлари бўйича махсус дарслар киритилмоқда.

1998-2000 йиллар давомида ўтказилган «Алпомиш» I ва II республика халқ ўйинлари, «Тўмарис» қизлар миллий фестиваллари, «Халқ ўйинлари байрами», «Миллий спорт ва халқ ўйинлари» I ва II Олимпиадалари каби йирик анжуманлар ўзбек халқ ўйинлари тарихида янги даврни бошлаб берди.

1996 йил Бангкокда бўлиб ўтган Бутун дунё халқ ўйинлари фестивалида мамлакатимиз делегациясининг қатнашиши ўзбек халқ ўйинлари халқаро нуфузини оширишга имкон яратди.

Хуллас, маданий меросимизнинг бир қисми бўлган халқ ўйинлари ҳам миллий қиёфамизнинг бир кўринишидир.

**Г.ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**Алюминий ромлар, эшиклар, витражлар**

**Маҳсулотимизнинг бежирим ташқи кўриниши, юқори сифати ва ажойиб техник имкониятлари кўзингизни қувонтиради.**

***«Алқур» бизнес марказлари, коллежлар, турар жой бинолари қурилишида иштирок этади.***

**Сервис хизмати кўрсатишга кафолат берамиз.**

Қўйлиқ — ALQUR — Олмалиқ

ALQUR

**Тел.:98-64-83; 185-67-74; 98-64-82; 98-64-88. Факс: 98-64-84; 98-47-00.**
**Манзил: Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоссеси, 2.**

4730






***КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА БАНК МИЖОЗЛАРИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА***

**Тошкент вилояти**

**«АСАКА»**

**банки филиали**

**2001 йил октябрь ойидан ҳисоб-китоб ва валюта амалиётлари бўйича тарифларни 30% дан 50% гача камайтирганини маълум қилади ҳамда**

**«Асака» банки депозит пластик карточкаларини сизларга тавсия этади. Пластик карточкалар орқали сиз пулингизни хоҳлаган пайтда олишингиз, савдо марказлари орқали осон ва тез маҳсулот харид қилишингиз мумкин.**

**Пластик карточкаларнинг қулай тарафи — сизнинг омонатингизга йилига *36% дан 42% гача* фоиз тўланади. Депозитар ячейкалар бу қимматбаҳо буюмлар, акциялар ва муҳим ҳужжатлар сақлайдиган қутичалар. Депозит қутиларга қимматбаҳо буюмларни қўйганда уларнинг рўйхати қилинмайди. Энг муҳими, «Асака» банки омонатларингиз тўлиқлигини кафолатлайди.**

**Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 120-84-04, 120-84-08, факс: 120-84-07. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, И. Оқилов кўчаси, 40-уй.**

4933



**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6


«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси таниқли актёр, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Саъдуллаевга онаси
**Хатимаой САЪДУЛЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси таниқли киноактёр, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси аъзоси
**Жамол ҲОШИМОВнинг**
вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Қашқадарё вилоят бўлими Кенгашининг раиси Январ Иноятовга ўғли
**ЭРКИНнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига Аллоҳдан сабру қаноат тилайди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, профессор Нуриддин Жўраевга акаси
**Маматқул ЖЎРАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.